КОНСТИТУЦИЯ ДАВЛАТНИ ДАВЛАТ, МИЛЛАТНИ МИЛЛАТ СИФАТИДА ДУНЁГА ТАНИТАДИГАН ҚОБУСНОМАДИР.

И. Каримов.

Da'vat

Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.

С. ЖОНСОН.

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 6 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 94 (6990)

Ibrat

Шеробод туманидаги Н. Муродов номли ёпиқ ҳиссадорлик жамияти хужаликнинг ўзида етиштириладиган пиёз, картошка, сабзавот, мева-чева ва қовунтарвуз маҳсулотлари билан 3 та болалар боғчасини таъминлашни зиммаларига олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим тизимини педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, олий мактаб педагогларининг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1997 йил 1 декабрдан бошлаб олий ўқув юртлари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тулаш ягона тариф сеткаси буйича разрядларни ошириш ҳисобига ўртача 25 фоизга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда юқорида кўрсатилган ходимларнинг лавозим маошларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 2 декабрь.

ЮКСАК ПАРВОЗЛАР ТИЛАЙМИЗ

Юртимиз садоқати ўғил-қизларининг эзгу интилишлари, астойдил меҳнати туфайли ўзгариб бормоқда. Меҳнаткаш фарзандлари билан бу диёр кундан-кун обод бўлмоқда. Мустақил мамлакатнинг тобора кўркамлашиб бораётган манзараларидан дунё аҳлининг тасаввури тиниқлашмоқда.

Юрт истиқболига ҳамиша унинг зиёли ўғлонлари умид уйғотади. Чунки улар элдошлари кўнглига тоза ниятлар элтади. Эзгулик йўлидаги интилишларни қувватлайдиган фарзандларини эл ҳамиша ардоқлайди.

Кўпчиликка маълумки, бу йил мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйи муносабати билан бир гуруҳ журналистларимиз Президентимиз Фармони билан мукофотланган эди. Куни кеча «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни мажлислар залида ушбу мукофотларни соҳибларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ўзбекистон Президенти девони Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳаким топширди. Шунингдек, маросимда республика давлат Матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов қатнашди.

Биз мукофот соҳибларини қутлаб, эзгу ишларида юксак парвозлар тилаймиз.

«МАЪРИФАТ»ЧИЛАР.

ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ АРДОҚЛАЙДИ

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Узбекистон мустақиллигининг 6 йиллик байрами арафасида республика иқтисодиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи ватанимизнинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандлиги, мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун бир гуруҳ ижодкорлар Камолиддин Беҳзод ҳамда Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

5 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Авваламбор, бугунги муборак кунда, ҳаётимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида сиз азизлар билан кўришганимдан ғоят мамнун эканлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Мустақиллигимизга, мамлакат ва миллатимизнинг буюк келажагига кафолат берадиган, бизнинг энг олий мақсад ва эзгу ниятларимизни ҳимоя қиладиган Конституция қабул қилинганига беш йил тўлмоқда.

Бу муборак санада давлатимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланган ватанимизнинг фидойи фарзандларини муборакбод этиш яхши анъанага айланиб қолди.

Мен учун бугун сиз, азизларни тақдирлаш, Ватанимизнинг нишонларини топшириш, сизларни бағримга босиб муборакбод этиш — катта қувонч, катта бахт, — деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, фан, миллий маданият, санъат ва адабиётни юксак чўққиларга кўтариш мустақил мамлакатимиз баркамол қиёфасини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунимизнинг энг катта ютуғи ва нишонаси мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар ҳар бир фуқаро қалби ва онгига бевосита кириб бораётир, десак муболаға бўлмайди.

Ислоҳотларимизнинг ютуғи мамлакатда барқарорликни сақлаганимиз, иқтисодиётни ривожланиш йўлига олиб чиққанимиз, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратганимиз билангина эмас, балки ана шу ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг чуқурлиги, улар ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон туйғулари, мақсадлари, орзу ва умидларида ўз ифодасини топгани билан алоҳида мавқега эга бўлмоқда. Ислоҳотларимизнинг маънавий кучи, қадру қиймати ана шу билан белгиланади.

Бугун ватандошларимиз ана шундай буюк яратиш, ижод қилиш, бунёд этиш ишида фаол иштирок этмоқдалар. Ўз соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бугун ана шундай ҳақиқий ватан фарзандларининг 600 дан кўпроғи давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Улардан тўрт нафарига «Узбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди.

Ҳалол меҳнат қилган, ўз тақдирини Ватан ва миллат тақдири билан боғлаган, ана шу муътабар хонадонимиз — ҳаммамиз учун қадрдон Узбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш орзу-умиди билан яшаётган асл фарзандларни ҳар қанча тақдирласак ва улуғласак арзийди, албатта.

Бугун сизнинг очиқ чеҳрангизга қараб туриб, элга хизмат қилиш, ўз куч-ғайратингни, билим ва маҳоратингни ватан равнақи йўлида сафарбар қилиш — энг олий бахт, шон-шараф эканини яна бир бор чуқур ҳис қилаяпман, деб қайд этди Ислом Каримов.

Сизларга беқиёс ҳавас билан қараяпман. Айни пайтда ана шундай елкадошларим, ана шундай сафдошларим, ҳамфикру маслақдош дўстларим борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Демак, биз танлаган йўл — халқ йўли, ҳақ ва ҳақиқат йўли, келажагимиз эса чиндан ҳам буюк эканлиги шубҳасиз.

Муборак айём — Конституция куни билан сизларни яна бир бор қизғин табриклайман. Давлатимизнинг олий мукофотлари ҳаммаларингизга муборак бўлсин, дейман.

Президент Ислом Каримов йиғилганларнинг олқишлари остида Қўқон шаҳридаги 13-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Манзура Мадалиева, Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғруқхонасининг гинекология бўлими мудири Онесия Саитова, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозлаш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи Холҳўжа Умаров ва Хоразм вилояти, Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги раиси Машариф Қувақовга Ватанимизнинг олий мукофоти — «Узбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳномаси ва «Олтин юлдуз» нишонларини топширди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, маориф, спорт ва санъат соҳалари намояндалари, ҳарбийлардан бир гуруҳи давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Озод Шарафиддинов, Машариф Қувақов, Саид Аҳмад, Ёқуб Аҳмедов, Раҳима Мазаҳидова, Гулчеҳра Йўлдошева, Вера Дуюнова, Ольга Овчинникова, Онесия Саитова, Георгий Абдураҳмонов, Уктамхон Воҳидова ҳурмат-эътибор учун Президентимизга миннатдорчилик билдириб, Ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар. Зеро, озод Ватанимизда ҳар бир фуқаро ғамхўрлик остида. Меҳнаткаш ҳар бир инсон қадр топмоқда.

— Шу Ватан, шу халқ учун хизмат қилишдан улуғ бахт йўқ, — деди Ислом Каримов ўзининг якунловчи сўзида. — Биз барчамиз ҳамжиҳат, аҳил ва фидойи бўлсак, кўзлаган буюк ниятларимизга, албатта етамиз.

Бугун мукофотланганлар орасида турли миллат, турли касб эгалари бор. Юртимиз тинч ва осойишта. Бу тинчлик ва осойишталикни мана шу ерда ўтирганлар вакили бўлган фидойи халқимиз яратган. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган олти йил бизни кўп нарсага ўргатди. Биз ҳеч қачон бу улуғ неъмат—истиқлол йўлидан воз кечмаймиз.

Маросимда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, У. Раҳматов, Т. Рисқиев, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Манзура Мадалиевага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини топширмоқда.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

- **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**
- **Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жозеф Пресел Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожланиш институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда молия тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.**

JUMLADA JAHON

- **Шимолий Атланта ҳарбий блоки (НАТО) Бош котиби Хавьер Солана Босниядаги тинчликпарвар кучларнинг у ерда бутунлай тинчлик ва барқарорлик ўрнатилгунча сақланишлари кераклигини таъкидламоқда.**
- **Тожикистон ҳукуматининг ҳарбийлари томонидан одам ўғирлаш ва террорчилик фаолияти билан шуғулланиб келган қуролли гуруҳларни йўқотиш операциясининг амалга оширилиши жараёнида террорчи Ризвон Содиров ҳалок бўлган ва унинг бандаси тўлиқ қўлга олинган.**
- **Япония пиёдаларга қарши миналар қўйишни тақиқлаш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилди.**
- **Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяхунинг Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидан Исроил ҳарбийларининг фақат бир қисмини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини фаластинликлар қораламоқдалар.**

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ таълими вазирлигида Узбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев йиғилишни очар экан, йиғилганларни бу байрамимиз билан табриклаб, Конституциямизнинг моҳияти, ҳаётдаги ўрни ҳақида, унинг қабул қилинган куни — Умумхалқ байрами дея эълон қилингани, бунинг мазмунини ёш авлодга тушунтириб, сингдира бориш таълим ходимларининг вазифаси эканлиги ҳақида гапирди. Вазир амалга оширилаётган ишлар, хусусан таълим тизимидаги ислоҳотлар, ўқувчи ва ўқитувчиларга бўлган эътиборга ҳам Қомусимиз асос бўлаётганлигини таъкидлади.

Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов ўз сўзида Конституциямизнинг демократик тамойилларга асосланганлиги ҳақида гапирар экан, демократик давлат аталмиш АҚШ Президенти рафиқаси Ҳиллари Клинтоннинг юртимизга ташрифи чоғида таъкидлаб, юздан ортиқ миллат тотув яшаётганлигини ўрганганги келдим, деган сўзларида катта маъно мужассамлиги, бу тинчлик ва тотувликнинг замирида Конституциямиз асосидаги ҳаёт сабаб эканлигини таъкидлади. Педагогик таълим ва фан бошқармасининг бошлиғи Мухтор Яҳёев йиғилганларга Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унинг асосида қадриятларимиз, дунё тажрибаси мужассамлашганлиги, бунинг учун 150 дан ортиқ давлатларнинг конституцияси ўрганилганлиги тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиб берди. Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тоира Султонова Конституцияни мактабларда ўрганиш, болаларнинг қонунни билишлари ҳақида, шунингдек ўқувчиларнинг хоржда таълим олаётганликлари, халқаро олимпиадаларда қатнашаётганликлари ҳақида гапирди.

Йиғилиш қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

МУХБИРИМИЗ.

Tadbir

ТУШУНИБ ЕТИШДИ

Конституция кунини ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонлашга одатландик. Чунки халқнинг ҳуқуқ ва бурчларини ифодалаб, кафолатлаб берувчи бу ҳужжатни ҳар қанча олқишласак, шарафласак ҳам оз.

Мактабимизда ҳам бу муборак кунни нишонлашга алоҳида эътибор бериляпти. Бу иш нафақат тарих-ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари, балки барча ҳамкасбларимиз зиммасига юклатилган.

«Буюк тарихий ҳужжат» деб номланган тадбирни ўтказиш тартибига мувофиқ, барча синфларда анъанавий дарслар, суҳбатлар, кечалар, баҳс-мунозаралар уюштирилди.

Ўзим ўқитаётган синф ўқувчилари билан дарс олиб бориш жараёнида Конституция, аввало, ёшлар ҳуқуқ-бурчларини қонунан мустаҳкамлаб берганига урғу қаратдим. Мактаб ўқувчиси илм олсин, ўқисин. Ватанига, элига хизмат қилсин. Бу умумбашарий туйғулар Конституциямизда бобма-боб, моддама-модда белгилаб берилганлигини ўз ўқувчиларимга тушунтира олдим.

Муҳими, ўқувчиларимиз ўз давлатининг сиёсий-иқтисодий, маънавий йўналишларини акс эттирган бу ҳужжатнинг қадрини, аҳамиятини тушуниб етдилар.

Дилмурод БЕКМУРОДОВ, Навоий вилояти Нурота туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

ТУМАН КЎЗГУСИ 2-бет.

ИНСОН — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТДИР 3-бет.

АДИБ АДАБИ 4-бет.

Tajriba, sinov, natija

ИЛК САБОҚЛАР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

— Ўтган дарсда қайси мавзуни ўтган эдик? — дея ўқувчиларга савол берди муаллима.

— Ўлкамизда куз мавзусини, — жавоб беришди болалар.

— Болажонлар, аввал ана шу ўтган дарсимизни такрорлаб, сўнгра янги мавзуни бошлаймиз, — деди-да ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш ва уни янада мустаҳкамлаш учун турли саволлар берди:

— Жонажон Ўзбекистонимизда ҳозир қайси фасл?

— Куз фасли, — деди Шоира.

— Қайси ойлар киради бу фаслга, ким жавоб беради?

— Сентябрь, октябрь, ноябрь ойлари, — шошиб гапирди Шерзод.

— 1 сентябрь қанақа кун?

— Республикамиз мустақилликка эришган кун, — баравар жавоб қилди болалар.

— Биринчи октябр-чи?

— Ҳурматли устозларимиз — ўқитувчи ва мураббийлар куни, — деди Нилуфар.

— Куз қандай фасл?

— Пишиқчилик, йиғим-терим фасли, — деди Беҳзод уялинқираб.

— Кузда бепоён ўлкамизга қайси қушлар учиб келади ва қайсилари кетади?

— ...

— Қушлар ҳақида қандай шеър ва қўшиқларни биласиз?..

Мукаррамхоннинг барча саволларига болалар аниқ ва бийрон жавоб қайтаришди.

1 — «Д» синфхонаси мисоли бир жонли табиатга ўхшайди. Бу ерда гўё она диёрнинг ноёб табиати, бойликлари — ўрмон, дарё, ўсимлик, тоза ҳаво, ҳайвонот, қушлар, ҳашаротлар — ҳамма-ҳаммаси расмларда акс этган. Ўқувчилар саволларга оид жавобларни кўргазма куролларни кўрсатиб, суратлар тагига лотин алифбосида ёзилган сўзларни бурро-бурро ўқиб беришди.

Ўтган уч ой мобайнида ўқувчиларнинг лотин алифбосидаги ўзбек ёзувини нечоғли пухта ўзлаштирганликларининг шоҳиди бўлдик. Муаллима болалар билимини баҳолагач, синф доскасига янги мавзуни ёзиб қўйди.

— Қандай мавзу экан бугунги дарсимиз?

— Ватанимиз табиатини севамиз ва ардоклаймиз, — жавоб берди болалар.

Муаллима болалар жа-

(Давоми 2-бетда).

МММ

ХАБАРЛАРИ

ДОКТОРАНТУРА ОЧИЛДИ

Бухоро давлат университетида миллий адабиёт тарихи, фольклоршунослик, миллий тиллар ихтисосликлари бўйича докторантура очилди. Эндиликда олимларимиз докторантурани йўл азобларини тортиб Тошкентда эмас, балки Бухоронинг ўзида ўташлари мумкин. Хулоса қилиб айтганда, Бухоройи шариф республикамизнинг маънавият ва маърифат марказларидан бирига айланиб бораётир.

Дилмурод ЖАББОР.

ФИКР: ЎТМИШ ВА БУГУН

Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган конференцияда нафақат мамлакатимиз олимлари, балки Ҳиндистон, Миср, Канада каби давлатлардан ташриф буюришган шарқшунос олимлар ҳам иштирок этишди. Долзарб фикрлар минбарига айланган ушбу анжуман «Жанубий ва Марказий Осиё — ўтмишда ва ҳозирги даврда» мавзуида бўлди

Майсара ҚЎЙЛИЕВА.

ФИДОЙИЛАР БОР БЎЛСА...

Келажак ёшлар қўлида. Шуни дилдан ҳис этган Қамаши туманидаги А. Умарий номидаги 52-ўрта мактаб ёшлари ҳам келажак пойдеворини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. «Чим» жамоа хўжалигининг раиси Б. Аҳмедов болаларнинг бу шижоатини кўриб, мактабга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Ўқувчилар замонавий дастгоҳларда илм олишлари учун мактабни компьютер дастгоҳлари билан таъминлаш режалари кўзда тутилмоқда. Эндиликда Чим қишлоғидаги ўқувчилар ҳам замонавий компьютерларда саводларини чиқарадилар.

Юнус БЎРОН.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ИЛК САБОҚЛАР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда).

вобидан сўнг доскага кўргазмали қурол — Ўзбекистон харитасини ёйиб (унда талайгина масалалар қамраб олинган) янги дарсни бошлади. Мақсад болаларни Ўзбекистон билан таништириш, одамлар меҳнатини улуғлаш, бойликларини асраб-авайлаш, юртимизга муносиб фарзанд бўлишга даъват этишдир.

Ўзбекистоннинг чегарадош давлатлари қайсилар, майдони, аҳолиси қанча, ери қандай — текислик, тоғликлар, дарёлардан иборат эканлиги ҳақида сўзлаб берди ўқувчиларга. Ер ости бойликлари — олтин, нефть, кўмир, мис, қўрғошин... тўғрисида тушунча бериб, ёш ниҳолларга дастлабки географик, биологик маълумотларни сингдиришга ҳаракат қилди. Бир тутам бошоқни қўлига оларкан, Мукаррамхон болаларга савол берди:

— Бугдой бошоғидан нима олинади?

— Дон.

— Дондан нима тайёрланади?

— Нон ва нон маҳсулотлари.

— Уларни ким яратади?

— Деҳқонлар, ота-оналаримиз.

— Бу нима?

— Пахта!

— Ким етиштиради?

— Ота-оналар, ака опаларимиз.

— Пахтадан нималар тайёрланади?

— Кийим-кечак, ёғ сингари маҳсулотлар.

— Уларни ким тайёрлайди?

— Ишчилар.

— Болажонларим, келажакда сизлар ҳам ишчи-деҳқон бўлиб, ота-боболар касбини давом эттирсангиз ёмон бўлмайди...

Ҳа, тажрибали ўқитувчи Мукаррам Акромова мавзуни савол-жавоблар орқали мустаҳкамлаб, болаларнинг она-Ватанга муҳаббат туйғусини янада орттирди. 1-«Д» синфида табиат дарсини ноанъанавий усулда ана шундай ўтди.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 311-бошланғич гимназия мактабида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институти ва туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Лотин ёзувидаги алифбони бошланғич синфда ўқитиш тажрибаси» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда она тили, ўқиш, математика, иқтисод алифбоси, инглиз тили, рус тили, табиат, расм, жисмоний тарбия фанлари бўйича очиқ машғулотлар намойиш қилинди.

Бошланғич гимназия мактаби Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг 1993 йил 11 октябрдаги буйруғига асосан 116-мактабдан ажралиб чиқди. Мазкур мактабда таълим икки йўналишда: 9 та гимназия синфи ва 26 та оддий синфда олиб борилади. Ўқиш ҳафтасига беш кун бўлиб, шанба куни турли хилдаги тўгарак машғулотлари ўтказилади. Болаларга тарбия ва таълим беришда Раъно Икромова, Маъсуда Мирдадаева, Мавлуда Нажмиддинова (она тили), Озода Бердиева, Ёқутхон Шукурова, Мунира Мирзаева (математика), Феруза Каримова, Набира Файзуллаева (инглиз тили), Мукаррам Хўжамбердиева, Муқаддас Ортиқова (иқтисод) сингари етакчи мутахассислар, меҳри дарё зиёкорларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Бошланғич гимназия мактаби тарзида ўрта мактабдан ажралиб чиқишдан мақсад нима, деган саволимизга бошланғич гимназия мактаби директори Хадича опа Убайдуллаева шундай жавоб бердилар:

— Бинонинг узоқ йилларга чидаши учун пойдевори мустаҳкам бўлса бас, у ёғи ҳам мустаҳкам бўлиши талабий. Республикада биринчи бўлиб алоҳида бошланғич гимназия мактаби бўлиб чиқишдан мақсад таълим пойдевори бўлган бошланғич синфларда пухта билим беришдир. Ахир Ўзбекистоннимизнинг келажаги буюклигини таъминлаш бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг билими, таълими, маънавий камолоти билан боғлиқ. Бунинг учун билим масканини педагог кадрлар, дарсликлар билан таъминлаш лозим. Ҳозирги дастур талабга жавоб бермайди — янги дастурлар яратиш керак.

Ҳа, ҳукуматимиз ҳам бу соҳага алоҳида эътибор бераётгани, шоир ва ёзувчилар ҳам болаларга хос ва мос асарлар яратишлари лозимлиги ҳақида куйиниб гапирди Хадича опа суҳбат давомида. Ахир келажаги буюк давлатимизнинг яратувчилари бўлган XXI аср болаларининг устозлари ҳам уларга мос бўлишлари керак-ку!

Семинар — кенгашда Абдулла Авлоний номли республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти етакчи мутахассиси Мирҳабиб Гуломов, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институти бошланғич таълим бўлими услубчиси Шаҳло Юнусова, Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси Ф. Тиллахўжаева ва бошқа кўпгина илғор мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари сўзга чиқишиб, мазкур билим ўчоғида болаларга тарбия ва таълим бериш пухта йўлга қўйилганлиги, ахлоқ ва одоб, болалар саводхонлиги, муаллимларнинг янгича услуб яратганликларини мамнуният билан таъкидлаб, мазкур тажрибани оммалаштиришни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Узбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги Фармонига кўра Мустақилликнинг 6 йиллиги арафасида фан, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланишган эди. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Узбекистон Президенти номидан мукофотланганларга ҳукумат орден ва медалларини топширди. Низомий номидаги педагогика институти профессори Малик Набиев «Меҳнат шуҳрати» ордени ва пул мукофотини, Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, Тошкент шаҳар 5-касб-ҳунар мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси Александр Калуцкий ва Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири Ҳамиджон Ҳомидовга «Дўстлик» орденини, Тошкент шаҳри Акмал Икромов тумани 199-махсус мактаб ўқитувчиси Яна Колосовскаяга «Шуҳрат» медалини топшириб, уларнинг келгусидаги ишларига омад тилади. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Малик Набиев Президентга, ҳукуматга ўзининг қамтарин меҳнатига кўрсатилаётган бу эътибор ва ғамхўрликлар учун чексиз миннатдорчилик билдирди. «Шуҳрат» медали соҳиби Яна Колосовская ҳам берилган бу мукофот унинг келажакдаги ишларида янада катта қувват бўлишини, у бутун ҳаётини болалар тарбияси, илмига бағишлашини изҳор этиб, у ҳам Президент ва ҳукуматга миннатдорчилик билдирди.

Мукофотланганларга вазирлик томонидан ҳам ўзига хос совғалар ва гуллар ҳадя этилди.

Мухбиримиз.

Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

Ta'lim va islohot

МАКТАБЛАР ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА

Мамлакатимизнинг янги таҳрирда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни 1992 йилда қабул қилинганига нисбатан ўзининг кенг қамровлилиги, аниқлиги, ҳаётийлиги билан тубдан фарқ қилади. Бу қонунда мамлакатимизнинг кўп йиллик тарихида биринчи марта кадрлар тайёрлашнинг алоҳида ажратиб олинган томонларинигина ифодалаб қолмай, юқори малакали, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими таклиф қилинди. Бугунги кунда иқтисодиёт ҳам, сиёсат ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам, инсоннинг ўзи ҳам ўзгармоқда. Зеро, янгиликларни, ислоҳотларни ўз долзарблигини йўқотган ғоялар, эскирган тизимлар асосига қуриб бўлмайди.

Кадрлар тайёрлаш тизимидаги бош субъект шахс — у таълим хизматининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир. Сирасини айтганда, Янгиариқ туманидаги Огаҳий номли 19-ўрта мактабда астойдил меҳнат қилаётган 100 га яқин малакали ўқитувчилар ёш авлодга замонавий билимлардан сабоқ ўтишнинг энг мақбул усулларини излаб топишган. Фанларни чуқур ўргатиш мақсадида айрим фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар очилган. Ўқувчилар бу синфларда ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва география, чет тиллари, тасвирий санъат бўйича ўз билимларини янада чуқурлаштиришяпти. Шу туфайли мактабнинг иқтидорли ўқувчилари туман ва вилоят олимпиадаларида фахрли ўринларга сазовор бўлаётирлар. Узбекистон халқ маорифи аълочиси Саломат Давлатова, Ражабгул Абдуллаева, Ибодулла Рузиматов, Р. Очилов, Даврон Худойназаров сингари ўқитувчилар ўз иш услубини янгича қуриб, ёшларни фан сирларидан воқиф қилмоқдалар.

Бугун нафақат Хоразмда, балки республикамиздаги барча ўқув масканларида Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ 9-сессиясида қабул қилинган Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастур»ига таяниб иш юритилмоқда. Мактабларда ўқувчиларга миллий қадриятлар, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараб дарс ўтилаётир. Халқимизнинг азалий байрамлари — ҳар иккала ҳайит ва Наврузи оламнинг муносиб нишонланиши ёшларни руҳлантирибгина қолмай, балки уларни тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўтяпти. Бундай тантаналарда Огаҳий номли мактаб жамоаси кенг жамоатчилик билан доимо биргаликда иш юритади. Жамоада мунтазам равишда хилма-хил учрашувлар, оқшомлар, анжуманлар, «Ватан остонадан бошланади», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ватанни севмоқ иймондандир» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш анъанага айланган.

— Бугун тарбиячилар ва ўқитувчилар жуда муҳим муаммоларни ҳал этишлари керак, — деди мактаб директори Сатимбой Худойназаров. — Бу вазифа ёш авлодни ватанпарвар қилиб тарбиялашдир. Қолаверса, ўқитиш шароитларини яхшилаш учун илмий ва амалий изланишларни кучайтириш зарур. Биз ҳам шу муносабатда баъзи бир янгиликларга қўл урдик. Мактабимиз қошида сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, тикувчилик цехлари ташкил этилган. Эндиликда улар ҳам даромад манбаига айланиб, аълочи ўқувчиларга стипендия ва фаол ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи сифатида берилаяпти. Қисқаси, ўқитувчи ҳам бугун бозор иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда иш юритмоқда.

Дарҳақиқат, ислоҳотлар энг аввало, ёшлар онгини ва дунёқарашини ўзгартирмоғи керак. Бу муҳим вазифани эса ҳар томонлама меҳнат ва ўқитиш шароитини тўғри йўлга қўйган мактабларгина бажара олади. Огаҳий номли мактаб жамоасига ҳам ана шу улуғвор вазифаларни амалга оширишда улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ.

ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТДА

Мамлакатимиз тараққиёт босқичларини босиб ўтаётган бир вақтда мана шу юксалишга муносиб авлод яратиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Бу авлод вакилларини тарбиялаб етиштириш учун ҳар томонлама етук мутахассисларга эгамизми? Бу соҳада иш олиб борувчилар бугунги кунда нима тадбирлар билан машғул?

Шу йил октябрь-ноябрь ойларида ТошДУ ўзбек филологияси факультети кундузги бўлим битирувчи курс талабалари педагогик амалиёт машғулотларида бўлишди. Шу муносабат билан педагогик амалиётга бошчилик қилган факультет домлалари машғулотни ўтаган талабалар таассуротлари билан ўртоқлашишди. Унда талабалар ҳам, методист устозлар ҳам, педагогик амалиёт бўйича масъул методистлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашишди.

Бу самимий мусоҳабада сўз олган педагогика фанлари номзоди, доцент Р. Ёдгоров педагогик амалиёт натижасидан яхши қониқиш ҳосил қилганини баён этди. Бу борада талабалар билан иш олиб боришда икки томонлама назорат — университет ва мактаб домлаларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самарали натижа бериши исбот қилинганлигини таъкидлади.

Машғулотлар ўтказилган мактаб директори Х. Ҳамедова домланинг фикрини давом эттириб, талабаларнинг педагогик фаолиятда анча пишиб етилган мутахассис даражасига кўтарилганини мамнуният билан билдирди. Бунда дарс ўтишдаги илғор методик услубларга суяниш ўз натижасини кўрсатганини айтди. Талабаларга педагогик амалиёт давомида бошчилик қилган тажрибали домла, филология фанлари номзоди, доцент Х. Муҳаммадхўжаев ҳам шу каби сўзлар билан фикр-мулоҳазасини баён этди:

— Замон талабларига жавоб берадиган ўқитувчи бўлиш учун кўп меҳнат қилиш кераклигини талабаларимиз тушунишди, уларда ўз ишига масъулият ҳисси кучайди, деб айтиш мумкин. Мана шунинг ўзи педамалиётнинг бир натижаси десак бўлади.

— Педагогик амалиётнинг биринчи кунлари анча қийиндай туюлган эди. Кейинчалик кўникиб кетдим. Албатта, устозларим менга далда бериб туришди, камчиликларимни кўрсатишиб, тузатиш йўлларини ўргатишди. Бунинг учун уларга раҳмат айтгим келади, — деб ўз таассуротини сўзлади V курс талабаси Чарос Наримова.

Педагогик машғулотларда қатнашган, Туркиядан келиб таҳсил олаётган V курс талабаси Эмре Узқон ҳам таассуротини яшириолмади:

— Мен учун бу педагогик амалиёт бир имтиҳон бўлди, чунки биз ўзбек тилини ўрганиб, олган билимларимизни педагогик амалиётда синадик. Тўғри, камчиликларимиз ҳам бўлди. Бироқ ўқитувчиликни ўргандикки, бу биз туркиялик талабаларга ҳақиқий сабоқ бўлди.

Талабалар ва домлалар ўртасидаги бу суҳбат йиғилганларда катта таассурот уйғотди. Фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган ҳамма сўзловчилар ўзларида етарли қониқиш ҳосил қилди.

Толиб ЭРНАЗАРОВ,
ТошДУ доценти.

«МАЪНАВИЯТ»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида «Маънавият» нашриётини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Ўтган муддат ичида нашриёт ташкил этилди ва мазкур даргоҳдан илк китоблар босмадан чиқди. Яқинда мазкур нашриётда босилган китобларнинг жамоатчилик тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шу муносабат билан «Маънавият» нашриёти директори Суннатилла АҲМЕДОВга бир-неча савол билан мурожаат қилдик.

— Суҳбатимиз аввалида нашриёт зиммасига юклатилган вазифалар ва мамлакатимизда мавжуд нашриётлардан фарқли жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало, юқорида эслатиб ўтилган Фармондан сўнг, республикамиз ҳукуматининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли қисқа муддат ичида нашриётимиз ўз фаолиятини бошлаб юборганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик меваси бўлган «Маънавият» нашриёти зиммасига мазмун-моҳияти жиҳатидан кенг қўламли вазифалар юклатилган. Нашриёт жамоаси юртимизда теран маънавий қадриятларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, одамларимиз, хусусан ёшларимиз қалбида бой маданий-маънавий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром, азиз Ватанимизга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган ижтимоий-сиёсий, фалсафий, адабий-бадиий китобларни нашр этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Турли мавзу ва жанрлардаги китоблардан ташқари маънавиятга оид ҳар хил маълумотномалар, плакатлар мажмуаларини ҳам нашр қилишни режалаштирдик.

Нашриётимиз фаолияти давомида мамлакатимиздаги барча ношир ва матбаачилар билан ҳамкорликда иш кўрмоқда ва шу билан бир қаторда ўз йўналиши ва мавзу мундарижасида ўзига хосликни сақлашга ҳаракат қилади.

— Энди нашриёт қандай руки остида, қайси муаллифлар китобларини нашр қилишни режалаштиргани хусусида ҳам маълумот берсангиз.

— Маданиятимиз, маънавият ва маърифатимиз тарихига дахлдор юзлаб асарлар, қўлёзмалар ҳали китоб шаклида халқимиз қўлига тўлалигича етиб боргани йўқ. Истиқлол йилларида юртимизнинг кўплаб истеъдодли ёзувчи, шоир ва олимлари томонидан ҳам маънавий-маърифий мавзуларда бир талай асарлар, тадқиқотлар яратилдики, биз энди ҳам ўша тарихий меросимиз, ҳам бугунги кун руҳи билан ҳамнафас энг сара қўлёзмаларни нашр қилиш ниятидамиз. Нашриётимиз «Фикр ва зикр», «Мозийдан садолар», «Санъатнинг соҳир олами», «Истиқлол қаҳрамонлари», «Бадиият», «Тил ва дил» сингари туркумлар очиб, қўлёзмалар устида иш бошлади. Энди шу йил нашр қилинган ва босиш режалаштирилган баъзи китобларни санаб ўтсам. Булар Фариддин Аттор ва бошқаларнинг «Комил инсон ҳақида тўрт рисола», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Абдулла Ориповнинг «Савоб», Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», Беҳбудий ва Абдулла Авлонийнинг «Танланган асарлар»и, Асқад Мухторнинг «Уйқу қочганда», Султонмурод Олимнинг «Луқмайи ҳалол», Турсуной Содиқованинг «Эл устозим...», Фердинанд Дюшеннинг «Қамар» ва бошқа ўнлаб китоблардир.

— Бу китобларни савдо дўконларига тарқалиши, умуман китобхонлар қўлига етиб бориши қай аҳволда?

— Нашр қилинаётган китобларнинг савдога чиқиши чекланган. Китобларнинг аксарияти маънавият мавзусига дахлдор бўлганлиги боис манфаатдор ташкилотлар, олий ўқув юртлари, мактаблар, кутубхоналар буюртма асосида сотиб олишмоқда. Масалан, республика Марказий банки ташаббуси билан 30 дан зиёд турли банклар нашр қилинаётган китобларга буюртма берган. Умуман олганда нашриётнинг ташкил этилиши, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қалам ҳақини оширилиши — буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг маънавиятга алоҳида ғамхўрлиги ва эътиборининг ёрқин далилидирки, биз эндиликда ана шундай муносабатга мос, истиқлол мафкурасига хизмат қиладиган китоблар билан юртимизга, жамиятимизга хизмат қилишимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, «Маънавият» халқимизнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолишини истаймиз.

Жалолиддин САФОЕВ суҳбатлашди.

Yangilik

ТУМАН КЎЗГУСИ

Географик карталар ҳамиша инсон учун дунёни ўрганишдаги асосий воситалардан бири бўлиб келган.

Карта ёрдамида маълум бир ҳудудларни табиий ва иқтисодий жиҳати, уларда ишлаб чиқариш ва ишчи кучларининг жойлашиши, уларнинг сифат, миқдор кўрсаткичлари ҳам кафтдагидек кўзингизга ташланиши мумкин.

Мустақилликдан кейин республикамизда янги-янги ҳар хил мазмундаги карталар чоп этилмоқдаки, жумладан Тошкент картография фабрикаси республикамизнинг «Экологик» картасини, сиёсий-маъмурий, табиий, иқлим, умумиқтисодий карталарини ва баъзи ҳудудларнинг табиий ва маъмурий карталарини чоп этиб, бу соҳада маълум даражада муваффақиятга эришди.

Умумтаълим мактабларида география курси ҳозир Ўзбекистоннинг табиий географияси алоҳида ва ижтимоий-иқтисодий географияси алоҳида ўқитилмоқда.

Бу курсларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга ўзи яшаётган ҳудудларнинг географиясини ўргатишга катта эътибор берилади. Бу ҳудудлар туман, вилоят ва регионлар бўлиши мумкин. Вилоят ва регионларнинг географиясини ўрганиш учун уларнинг кўпчилигининг географик карталари мавжуд. Лекин туманлар географиясини кенгроқ қилиб ўрганиш учун ҳозиргача уларнинг ҳеч қандай картаси чоп этилмаган. Шуни эътиборга олган ҳолда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-мактаб муаллими Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Хайрулла Иноғомов томонидан тузилиб, Тошкент картография фабрикаси томонидан нашр этилган «Қибрай тумани» (масштаб 1:30000) иқтисодий картасини бу соҳадаги янгилик десак хато қилмаймиз.

Картада туманнинг социал-иқтисодиёти билан боғлиқ барча тафсилотлар берилган.

Картада тумандаги барча қишлоқ хўжалик билан боғлиқ бўлган хўжалик ва корхоналар чегаралари билан, аҳоли яшайдиган жойлар аҳоли сонига қараб 3 га бўлиб тасвирланган. Тумандаги барча саноат корхоналари махсус шартли белгида ўз ифодасини топган.

Картанинг асосий мазмунларидан бири тумандаги мактаблар: унинг жойлашган ўрни, ўқувчилар сони, қайси тилда ўқитилиши кўргазмали шаклда белгилар усулида берилган. Шуниси диққатга сазоворки тумандаги болалар боғчалари тўғрисида ҳам етарли даражада маълумот берилган.

Дастлабки чоп этилаётган мактаб дарслик ва ўқув қўлланмаларида бўлганидек, бу асар ҳам жузъий хато ҳамда камчиликлардан ҳоли эмас.

Карта легендасида, газ қувури нефть қувури деб нотўғри номланган, баъзи ранглар, белгиларнинг ранги билан уйғунлашиб картанинг ўқилишини қийинлаштириб юборган. Энг кўзга ташланадиган картанинг марказида очиқ «доғ» қолдирилиб, бу ерда қандай тасвир берилганлиги номаълум.

Карта кимлар учун мўлжалланганлиги ва қандай карта эканлиги, картанинг тепасида берилиши зарур эди.

Республикамизда биринчи маротаба чоп этилаётган бу янги типдаги, туманнинг иқтисодий картаси, жузъий хато ва камчиликлардан қатъий назар уни жуда керакли картографик асар десак бўлади.

Бу асардан туман ҳокимияти, халқ таълими, қишлоқ хўжалик бўлими, саноат корхоналарининг ходимлари ва кўп минг сонли ўқитувчи ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Биз ўйлаймизки, бу тажрибадан республикамизнинг бошқа туман ва вилоятлари ўрнак оладилар.

Турғунбой МИРЗАЛИЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети география факультети картография, геодезия ва кадастр кафедраси профессори, география фанлари доктори.

МЕН КУЗАТГАН ДАРС...

Фарзандимиз мактаб ёшига етди. Бу куннинг ташвишлари ҳам кўнгилга тенгсиз шукроналик ва фахр ҳисси бахш этади. Менинг хавотирим қизимнинг «бормайман», деб хархаша қилишида эди. Боиси, ҳамма қатори боғчага бориб юрган фарзандларимиз, бирдан бормайман, деб туриб олди. Икки марта боғчанинг эшигидан қайтариб келди. Силтаниб йиғлаганидан этиқчалари қорга учиб кетди. Дилим хуфтон бўлди. Минг бора алдаб-аврасак ҳам қайтиб боғчага бормади. Кейин билсак, болакайлардан бири унинг ёстиғи тагига илон-ўйинчоқ қўйиб, қаттиқ қўрқитган экан. Мактабда ҳам биронта бола хафа қилса бормай қўядими деб хавотирда эдик. Йўқ, бинойидек ўқиб кетди. Қизалоқнинг устозим ундай деди, устозимиз бундай деди дея оғзидан бол томишини кўриб беихтиёр устозига ҳавасим келди.

Устози ким экан, деб борсам, ёшгина аёл. Муаллиманинг дарсини кузатиб, илк бора ўзимнинг биринчи синфга борган кезларим ёдимга тушди...

Мактабга қадам қўйган ўқувчининг келажакда қандай касбни эгаллаши унинг биринчи сўзни ёзишидан, китобга муносабатидан бошланади. Илк марта ёзган ҳарфимиз катак дафтарга бир рақамини чизишдан бошланган. Энди эсласам, ўшанда ўқитувчимиз ҳар биримизнинг ёзувимизни мақтаб, кўнглимизни кўтарган экан. Эҳтимол отамиз бизни бундай сўзлар билан эркаламагандир. Онамиз бунақанги сўзларни топиб айта олмагандир. Нима бўлганда ҳам, барчамизнинг кўнглимизни кўтарадиган сўзлар топди. Биринчи кундаёқ ўқитувчимизни яхши кўриб қолгандик. Ҳатто уйда тўю маъракаси бўлганда ҳам мактабдан қолмаганмиз. Гоҳ гоҳида ўқитувчимизнинг ўрнига унинг аёли келарди. Махсума опа дердик. Муаллиманинг бор-йўқ қиладиган иши бизга эртак ўқиб бериш эди. Опанинг ширали овози, қизиқ-қизиқ эртакларни топиб ўқиши бизни китоблар оламига олиб кирди. Ойда, икки ойда бир бўладиган опанинг «Эртак дарслари»ни жуда соғинардик. Ҳамма ота-оналар Дўстматов домла болани яхши ўқитади, деб гапиришарди. Лекин нимаси яхшилигини ҳеч ким гапирмасди.

Орадан анча йиллар ўтиб, ўзим ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб ишга бордим. Домла ҳам ора-чора мактабга келиб турарди.

Бир куни суҳбат орасида:

— Домла, Сиз ҳаммага ҳар хил муносабатда бўлардингиз. Бировга сиз деб, бировга сен деб мурожаат қилардингиз. Ҳатто баъзиларни урардингиз ҳам. Бунинг сабаби нима эди? — деб сурадим.

Домла аввалига кулди. Сўнгра саволимга жавоб қайтардилар.

— Ҳар бир бола бир олам. Унинг табиатини ўрганиб, ўшанга қараб муомала қилиш керак. Сен билан Турсунов яхши гапнинг гадоси эдинг. Узимни фарзандимдай яхши кўрардим. Раҳмонов билан Сиддиқовга қаттиқ турардим. Баъзиларига расмий муомала қилардим. Ҳаммаларингни табиатларинг беш қўлдай аён эди. Мендан синфни қабул қилаётган раҳбарларингга ўн иккиталарингни исм-шарифингни ёзиб берганман. Уқиса шулардан ўқимишли шогирдлар чиқади. Кўз-қулоқ бўлиб тур, деб тайинлаганман. Ўша қоғозлар бор. Истасанг олиб кўришинг мумкин.

Мен устозимизнинг ёзиб берган руйхатларини топдим. Ҳайратланарлиси шуки, домла ёзиб берган руйхатдагиларнинг барчаси олий ўқув юрти ва техникумларда ўқиган. Муҳими, одамларга озми кўпми нафи тегаётган инсонлар бўлиб етишди. Одамлар нима учун дўстматов домлани яхши дейишининг сабабини англадим. Бугун ўша устоз, бизни биринчи ўқитган муаллим ҳозир ёруғ дунёда йўқ. Лекин жамики шогирдлари у кишининг яхши фазилатларини фахрланиб эслаб юришади...

Дарс охирлаб борарди. Синф хонасининг дераза томони совуқ эди. Охирги партада 40 минут ўтириб, қўлларим увишиб кетди.

— Шерзод, совқотган бўлсанг, пальтойингни кийиб ол, — дедим бурни қукариб ўтирган болага.

— Йўқ, совуқ қотганим йўқ, — деди болакай.

...Кейинги ҳафта ота-оналар мажлиси бўлди. Мактаб директори эшикни очиб:

— Сен нима учун ота-оналарни йиғиб ўтирибсан, — деди ўқитувчига. — Кеча соат бешга чақиришинг керак эди-ку?

— Қоронғуга қолиб кетишмасин дегандим, — узрли оҳангда сўзлади муаллима.

Директор ўтирганларнинг юзига эшикни тарақлатиб ёпиб кетди.

Ҳаммамиз жуда хижолат бўлдик. Ота-оналарнинг кўз олдида ўқитувчини беҳурмат қилиш яхшими? Унинг ўрнига ҳурматли директор, синф хонаси иссиқми, қийналмаяпсизми? — деб ҳол сураса бўлмасмиди? Эътирозларини кейин айтишлари мумкин эди-ку?!

Айнан шу воқеа сабаб, кузатган дарсим ва баъзи воқеаларни ёдга олдим.

Биринчи ўқитувчи нафақат болаларга илк бор ручка ушлашни ўргатган, ҳарф танитган устоз, балки фарзандларнинг келажак йўлини белгиловчи машъаладир.

Ана шуларни қизимнинг устозига, жамики биринчи ўқитувчиларга эслатгим, уларни кўнглини кўтаргим келди.

Сизни ҳали кўп бор эслар шогирдлар,
Ўшанда фахрдан кўзингиз кулар.
Юз ёшга кирса ҳам гапириб юрар,
Ҳар киши сизларга қилади ҳавас.

Абдураҳмон ЖЎРА.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Dil izhori

ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҒИ КЎЗЛАРИМГА НУР

Ҳадемай Ўзбекистон халқи Конституциямизнинг беш йиллик байрамини кенг нишонлайди. Мустақил юрт фуқаролари қатори биз ўқувчилар ҳам бу санани мактабда аъло ўқиш билан кутиб олаётирмиз. Шахсан ўзим дунёвий билимларни ўзлаштириш билан бирга Ватан мавзуига бағишланган иншолар кўрик-танловларида иштирок этдим.

Албатта, сара иншо ёзиш ўз-ўзидан бўлмайди. Танловга тайёрланиш, дарсликлар, Президентимиз китоблари, давлатимиз қурилишига доир ҳужжатларни ўрганиш жараёнида Ватан туйғусини янада чуқурроқ ҳис этдим.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига мустақилликни мустаҳкамлашдек ғоят буюк, муқаддас бир вазифани юклади. Буни Президентимиз ҳам ўз чиқишларида қайта-қайта таъкидлаётир.

Ҳадиси шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир», деб бежиз айтилмаган. Ватанни севиш ватанпарвар бўлиш демакдир. Ватанпарварлик — бу она заминга муҳаббат ва садоқатда бўлиш, унинг ҳар бир қарич муқаддас тупроғини кўзга тўтиёдек суртиш ва эъзозлаш. Ватанпарварлик бу она-Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгимизга сингдириш ва унга содиқ бўлишга эришишдир.

41-модда. «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДАН

Сирасини айтганда, Қомусимизнинг кириш қисми, дастлабки бўлимдаги «Давлат суверенитети» боби барчамизга ғурур туйғусини беради, фуқароларнинг масъулиятини оширади, бурчга содиқ бўлишга чорлайди, десам янглишмаган бўламан. Аслида Ватанга муҳаббат ҳар бир кишида қадрдон уйига, туғилиб ўсган юртига, ўз халқи, тили, дини, урф-одати ва анъаналарига муносабатида акс этади. Таъбир жоиз бўлса, Ватан ҳам, Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий бир неъмат. Бинобарин, Ватан она сўзи билан ёнма-ён келади. Бу шунчаки сифат, одатий мажоз эмас. Она-Ватан тимсолида биз жамиятимиз табиатини, меҳрибонлик ва мувофиқлик пойдеворига қурилган тузумимиз хислатини кўрамиз. Муҳими, истиқлол боис Ватан тарихи моддий ва маънавий меросга айланди, қадриятларимиз тикланди. Она замин, Ватанни севиш тушунчалари онгимиздан чуқур жой олди.

Ватан тушунчаси турли замонларда турлича талқин этилган. Назаримда, Ватан сўзи ҳеч қачон ҳозиргидай мағрур жаранглмаган. Жонажон юртимиз мустақиллиги туфайли Ватан деб аталмиш бу кўҳна замин янада чирой очди, бутун дунёга юз тутди.

Устозларимиз уқтирганларидай, она юртга муносиб фарзанд бўлиш ҳамда юрт равнақи, тараққиётига ҳисса қўшиш учун ҳар бир киши илмнинг қадрига етиши керак.

Бир олам мазмунни мужассам этган бу сатларда ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг орзу-ўйлари, истак ва интилишлари акс этганлиги кишини қувонтиради. Мактабни тугатгандан кейин мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида ўзимиз танлаган мутахассислик бўйича билим олишимиз мумкин. Бу каби имтиёзлар бошқа чет элларда борми?..

Бизнинг юртда эса инсон қадрланади, камол топади, ҳаёт мактабини ўтайди. Фаровонлик ва бахт-саодатга эришади.

Муқаддас Ватан, она заминимиз, ҳаётимиз Қомуси ҳақидаги фикрларимни шундай якунлагим келади:

Ўзбекистоним,
яйраяпман қучоғингда!
Сен Ватансан,
онамсан.
Аждодларим
қоришгандир
тупроғингда
Муқаддассан,
отамсан.

Нилуфар ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар
Яккасарой туманидаги
127-мактабнинг 10-«А»
синф ўқувчиси.

ИНСОН — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТДИР

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДАН.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик туфайли ҳуқуқий, демократик давлат қуриш имконияти вужудга келди. Ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳуқуқий-назарий асослари унинг Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда давлат қурилиши, унинг ҳуқуқий асослари, қонунийлик пойдевори Конституциямизда ифодаланган. Асосий Қонун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ташкил этиш шаклларини аниқлаб берди. Эркин бозор муносабатларини тан олди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қисқа давр ичида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар ташкил этилди. Натижада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ягона дастур яратилди ва бу дастурда фуқароларнинг, жумладан ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини яна ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Шу сабабли ҳам келажагимизни белгилаб берадиган ёшларнинг сиёсий етуклиги, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий тарбиясига катта эътибор берилмоқда.

Ёш, мустақил давлатимизнинг ривожланиши, келгуси тараққиёти ҳар томонлама билимли, юқори малакали, ҳуқуқий давлат қурилишининг фаол аъзолари бўла оладиган ёшларга боғлиқ. Бунинг учун ёшларимиздан юксак ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятли бўлиш талаб этилади. Чунки қаерда билим олмайлик, меҳнат қилмайлик ҳар қадамда ҳуқуқий билимга эҳтиёж сезамиз.

Жамиятда қонуннинг устиворлиги ҳуқуқий маданият билан ўлчанади, тартибга солинади. Ҳуқуқий маданиятли инсон қонунни ҳурмат қилади, уни қонун ҳимоя қилишини билади, ҳар бир қабул қилинган қонун ким учун, нима сабабдан қабул қилинганлигини тушунган ҳолда унга итоат этади. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам ҳуқуқий таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизнинг фикримизча ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп.

Биринчидан, ҳуқуқий тарбияни оиладан бошлаш лозим. Ота-оналар ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг ҳуқуқий томонларини ўзлари яхши билишлари, шу соҳада фарзандлар билан мунтазам равишда суҳбатлашиб, уларда республикамиздаги мавжуд қонунларга бўлган ҳурматни шакллантиришда етакчи бўлишлар керак. Агар ота-онанинг ўзи ишга кечикиб борса, фарзандлар олдида ишда қилган ҳуқуқбузарлигини, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек муҳокама қилиб ўтирса ёки дарсга кеч қолган болани мактабга бормай қўя қол, дея қаршиласа, бу ҳодисалар ёшларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади, бора-бора оддий ҳолга айланиб қолади.

Иккинчидан, ўқув юртлари, оила, маҳаллалар ҳуқуқий тарбия соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашлари зарур. Нега энди ёшлар билиб-билмай жиноятга қўл уриб қўйгандан кейин, «маҳалла, оила, ўқув юртлари қаёққа қарайди?» деб югуриб қоламиз. Улар эса айбни бир-бирига юклаб қолишади, ҳамкорликда мажлислар ўтказишади. Мазкур ҳамкорликни ёшлар жиноятни содир этмагунча амалга оширилса бўлмайдими? Содир этилган жиноятни муҳокама қилгандан кўра, унинг олдини олиб ҳуқуқий тарбия соҳасида ҳамкорликни таъминлаш жоиз.

Учинчидан, умумтаълим ва олий таълим тизимида ҳуқуқий таълимни ўқитишга эътиборни янада кучайтириш даркор. Ёшларни ҳуқуққа, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ҳуқуқий онгни сингдириш таълим тизимининг олдида турган муҳим вазифалардан бири.

Тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кенгроқ йўлга қўйиш лозим. «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Камолот» ёшлар жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмалари оммавий-ахборот воситалари ёрдамида ҳуқуқ соҳасида викториналар, конкурслар, савол-жавоб кечалари ташкил этилса яхши бўларди. Чунки бу тадбирлар ёшларни қонунларни ўрганишларига, ҳуқуқ соҳасида изланишларига таъсир кўрсатади.

Бешинчидан, ёшлар билан ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириб, улар ўртасида учрашувлар ўтказилиб турилишини мунтазам йўлга қўйиш керак. Ёшларимизга инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг жамиятда тутган ўрни ва ролини Конституциямиз мисолида кўрсатиб бериш талаб этилади. Ёшлар қонун олдида ҳамма тенглигини тушуниб етишсин. Ҳуқуқ — тартибот ходимлари ёшларимизга хизмат юзасидан мурожаат этишганда қўрқмасдан, ўзларини йўқотмасдан сўзлаша оладиган, уз фикрини тўғри, аниқ тушунтириб бера оладиган даражада бўлишлари керак. Ёшларга жамиятда кексаю ёш, оддий фуқарою мансабдор шахс — ҳаммаси тенг ҳуқуқли эканлигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг кўз ўнгида ҳуқуқ бузилиши, унинг оқибатлари ва бунинг учун жазо муқаррарлигини ҳаётий мисоллар билан англатиш, ишонтириш даркор.

Миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий мақсади инсонни энг олий қадрият деб билишдир. Мустақилликка эришгандан буён ёшларнинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини, қобилиятларини рўёбга чиқариши учун сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий асослар яратилди. Буларнинг ҳаммаси Конституциямизда ўзининг ифодасини топган. Бу имкониятлардан ёшларимиз юксак масъулиятни англаган ҳолда фойдаланишларини истардик.

Раъно МЕЙЛИЕВА,
Тошкент давлат аграр университети фалсафа ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДАН

Seminar—o'yin

«УМИД»НИНГ ЕТТИ КУНИ

Яқинда «Семурғ» соғломлаштириш лагерида республикамиз юқори синф ўқувчиларининг етти кунлик семинари бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари мазмун-моҳиятини ўқувчиларимизнинг амалда ўқиб-ўрганиши эди.

Авваламбор, мазкур учрашув қатнашчиларини танлаб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон очиқ жамиятлар институти ва Тошкент шаҳар маънавият маркази мамлакатимиз юқори синф ўқувчилари ўртасида «Инсон ҳуқуқлари моҳияти» мавзусида иншолар танловини ўтказди. Танловда республикамиз вилоятларидан 312 ўқувчи қатнашиб, улардан 120 та энг яхши иншо эгалари «Семурғ» лагерида учрашдилар.

Учрашувнинг тантанали очилишидан сўнг вилоятлар ўқувчиларидан ташкил топган гуруҳлар тузилди. Шу куни улар «Янги мамлакатдаги янгича ҳаёт» деб номланган маърифий ўйинни бошлашди. Унда қатнашаётган бешта гуруҳнинг тўрттаси юқори синф ўқувчиларидан ва бир гуруҳи етакчиларидан иборат эди.

Биринчи куни ўқувчилар янги мамлакатнинг номи ва жамият қурилиши тизимини танлаш бўйича ўзаро баҳслашдилар. Қувончлиси, ўйин иштирокчиларининг аксарият қисми демократик жамият қурилиши учун овоз берди. Бу машғулот юқори синф ўқувчиларининг мамлакатнинг «Вақтинчалик ҳукумати» аъзолигига номзодлар кўрсатиши ва уларнинг сайловлари ўтказилиши билан якунланди. Ўқув гуруҳлари таклифига биноан ўқувчиларнинг янги мамлакати «Умид» деб номланди.

Иккинчи кун «Умид» мамлакатидаги ҳаёт ҳаракатли ўйинлар комплекси билан бошланди. Бу ўйинларда ўқувчилар лидерликнинг турли хил усулларини намойиш этишди. «Мен президент бўлганимда» ўйини эса ўқувчиларимизни ҳар томонлама ўйлашга, бошқа иштирокчилар томонидан қўйилган долзарб масалалар ечимини топишга даъват этди.

«Инсон ҳуқуқлари моҳияти» машғулоти ўқувчиларда шахс озодлиги — энг олий қадрият эканлигига ишонч ҳосил қилди. Машғулот «инсон бахти учун нима керак» мавзусидаги мулоқот билан бошланади. Болалар етакчилари билан биргаликда ўз ҳуқуқларининг умумий бир тизимини яратишди ва унда шахсий ҳамда фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларини алоҳида кўрсатдилар. Инсон ҳуқуқлари муҳофазасига оид кўринишларда иштирок этган болалар, ушбу кўринишларда қайси ҳуқуқлар бузилганлиги, содир этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни аниқладилар.

Шунингдек, болалар «Умид» мамлакати «Конституция»си лойиҳаси устида ишладилар, бу жараёнда ўқувчиларнинг конституциявий ва сайлов комиссиялари фаолият кўрсатишди.

Учинчи куннинг муҳим вазифаларидан бири — «Умид» мамлакати президентининг сайловларига тайёргарлик эди. Бу жараён «Ёш лидер имиджи» машғулоти, «Президент портрети» каби турли ҳаракат ўйинлар ва савол-жавобларга бой бўлди. «Умид» мамлакатидаги ялпи мажлис сайлов компанияси бошланганлигини англатди. Сайловда 17 та номзод кўрсатилди. Уларнинг ҳар бири рўйхатдан ўтиш учун 30 тадан овоз йиғиш лозим эди. Бунга фақат уч ўқувчи — Умид Ўрмонов, Улуғбек Муродов ва Диана Арустамянлар муяссар бўлди.

Кейинги куни ўтган «Давлат ҳукуматини қуриш» машғулотининг асосий мақсади — давлат ҳукумати шакли ва мамлакатнинг бошқарув органларини танлашдан иборат эди. Турли хил усулларга бой бўлган мазкур машғулот қатнашчилар олдида турган мураккаб вазифаларни ечишга ёрдам берди.

Семинар—ўйиннинг бешинчи кунида «Умид» мамлакати президентининг сайловлари ўтказилди. Овоз бериш натижалари бўйича икки номзод — Умид Ўрмонов ва Улуғбек Муродовлар ўртасида сиёсий музокаралар бошланди. Бу баҳслашувда Умид Ўрмонов ғолиб бўлиб, энди у ўзининг «ҳукумат» аъзолари таркиби билан таништирди.

Ўқувчилар мамлакатида бўлиб ўтган семинар-ўйиннинг еттинчи куни ялпи мажлисда ушбу тадбирда энг фаол иштирок этган ўқувчиларга махсус сертификатларни тантанали топшириш билан якунланди.

Қизиқарли учрашувлар, мермазмун мулоқотлар, ҳаяжонли беллашувларга бой бўлган ушбу семинар-ўйин «Умид»даги ҳар бир ўқувчининг инсон ҳуқуқлари ҳамда қонун асосларини, ҳуқуқий демократик жамият пойдеворини яратишга оид ўйин шаклида бўлса ҳам билимлар билан танишишига имкон яратиб берди.

Э. АСАДОВА.

МУАММОНОМА



Азиз муштарийлар! Диққатингизга ҳавола этилган ушбу машқда юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридан келтирилган Республикамиз қомусига оид сўзлар яширинган. Уни қуйидаги «очқич» сўзлар ёрдамида билиб олинг.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бунёд бўлишида муҳим ҳисса қўшган ҳуқуқшунос олимлардан бири — 11, 23, 3, 19, 3, 5, 10.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзларидан бири — 18, 5, 23, 12.

Бош қомусимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобидан:

3. «...Мактаб ишлари 17, 3, 10, 8, 3, 6 назоратидадир».

4. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, 21, 3, 17, 3, 1, 2, 25, 6, ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади...»

5. Конституциямизнинг XXIII бобида баён этилган тизим — 9, 3, 16, 8, 20, 10.

6. Олтинчи моддадан: Ўзбекистон республикасининг пойтахти — 6, 20, 14, 4, 5, 1, 6 шаҳри.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган вакил — 17, 5, 13, 7, 6, 3, 6.

8. Бош қомусимизда белгиланган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун қоидалар мажмуи — 26, 7, 22, 7, 26.

9. Барча фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган, бажаришлари мажбурий бўлган вазифа — 12, 7, 23, 15.

10. Бирор матндан айнан олиб келтирилган парча — 24, 2, 6, 3, 6, 3.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

ҚОНУН ҲАҚИДА

Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади.

Амир ТЕМУР.

●

Жамиятда инсон озодлиги давлат томонидан розилик асосида таъсис этилгандан ўзга ҳеч бир қонун чиқарувчи қудратига тобе бўлмаслигидан иборатдир.

Жон ЛОКК,
Британия файласуфи.

●

Ҳар бир янги авлод инсониятга янги имкониятларни тақдим этади. Агар биз бутун жаҳонда болаларнинг омон қолиши ва ривожланиши учун шароит яратиб бersак... Биз албатта ўзимиз интилаётган ва болалар лойиқ бўлган адолатли жамият пойдеворини қурамиз.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари декларациясидан.

ҚОМУСИМИЗ ЁШЛАР НИГОҲИДА

Тошкент коммунал-қурилиш коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллиги муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечада пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани ички ишлар ходимларидан бир гуруҳи, шунингдек ҳуқуқшунослар иштирок этишди. Улар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берар эканлар, мамлакатимиз Конституциясининг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти нақадар юксаклиги ҳақида таъкидлаб ўтишди.

Кечада коллеж директори А. Санаев, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Ҳотамовлар иштирок этдилар.

Норали ОЧИЛОВ.

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

«Маҳалла, оила, жамоатчилик» концепциясини бажариш борасида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимида ибратли тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири 134-мактабда бўлиб ўтди. Бу тадбирда юқори синф ўқувчиларининг ота-оналари билан бирга Яссавий номли маҳалла, «Бешқўрғон» маҳалласи ҳамда «Ёшлик» маҳалласида яшовчилар таклиф қилиндилар. Шунингдек, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида педагогика фанлари номзоди Ҳ. Абдуллаев, туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари М. Ҳужаева ва М. Иброҳимовалар туман ИИБдан участка нозири, милиция майори Ж. Нажмиддиновлар бу йиғилишга ташриф буюрдилар. Йиғилишда «Қандолатчилар» гуруҳи ҳамда «Моҳир қўллар» тўгараги аъзолари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Соғломлаштириш гуруҳи аъзолари ҳам қўл жанги бўйича олган билимларини намойиш этишди.

МУХБИРИМИЗ.

МАСЪУЛИЯТ

8 декабрь куни бутун Ўзбекистон халқи асосий қомусимизнинг 5 йиллигини нишонлайди. Ҳар биримиз ўз-ўзимизга савол бериб, шу йиллар ичида Ватанимиз ҳаётидаги ўзгаришларга қандай ҳисса қўшдик, деб сўраймиз. Конституциянинг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ўз олдига қўйган вазифалар билан бирга «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятлар» ҳам бор. Биз ҳуқуқшунос педагоглар бу масъулиятларни энг аввало мамлакатимизда ҳуқуқий билимларни ва ҳуқуқий тарбияни юқори даражада тушунтиришда деб биламиз.

Ҳуқуқшунос педагогларнинг вазифаси ўқувчилар ва талабаларни қонун ҳужжатлари билан таништириш, ҳуқуқий билимни ўргатишдир.

Чунки демократик ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шарти қонунчиликнинг изчил бўлишидир ва буни тингловчиларга тушунтира билиш шартидир.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшликдан бериб борилиши лозим. Масалан, болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида мактабларда бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши лозим. Ана шу мақсадда биз шу йил боғчада, бошланғич синфларда ва юқори синфларда ҳуқуқий билим ҳуқуқий тарбияга лойиқ концепция ва дастур ёзиб бердик.

Яқиндагина республикамизда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинган эди. Бу дастурда ҳуқуқий таълим ва тарбияларнинг мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш кўрсатилган. Янги ўқув фанларига, масалан, шу ўқув йилидан бошлаб 11-синфларда «Инсон ҳуқуқлари» дарси ўтилишини мисол қиламиз. Бу дарсни ўтиш учун мактабларга ўқув қўлланма яратилди.

1997 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони қабул қилинди.

Бу Фармондаги «аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин», деган бандини биз ҳуқуқшунос-педагоглар ҳаётга тадбиқ этишимиз керак. Унинг учун талабаларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб, тингловчиларимизга ҳам ўргата билишимиз давр талаби.

Ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳуқуқий дарсларни қизиқарли ўтишдир. Масалан, дарс ўйин тариқасида ўтилади. «Никоҳ ва оила» дарси. 24 нафар ўқувчи 6 тадан тўрт гуруҳга бўлинади. Қатнашчилар иккита саволга жавоб берадилар.

1. Агар оилада мен аёл бўлсам...
2. Агар оилада мен эркак бўлсам...

Ўқувчиларнинг фикрини эшитасиз. Қизлар эркак бўлганда мана бундай ишларни қилардим деб санаб беради.

1. Аёлимга оғир юк кўтартирмасдим.
2. Фарзандлар тарбиясига масъул эканлигини эслатиб турардим. Токи бола аллага қонсин, эртаклар тинглаб ўлгайсин.
3. Рўзғор бутлигини таъминлардим. Аёлим ҳатто биронта рўзғор буюмини сўраб қўшнисиникига чиқмасин.

Ана сизга. Ҳар нарса йироқдан, ташқаридан аён кўринади-да. Мана шу жараёнда кашф этилган масъулият таъкидланиб, ўқувчиларга етказилади ва Конституциядаги оила ҳақидаги 4 та модда эсланади. Дейлик, 66-модда: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Хўш, нима учун киритилган бу модда? Унда халқимизнинг миллий қадриятлари акс этган. Ана шу фикр ҳаётий мисоллар асосида ўқувчига етказилади.

Иккинчи усул — масала. Бунда жиноят ҳуқуқини танладик. Ўн уч яшар бола одам ўлдирди. Дарс жараёнида суд процеси ташкил этилади. Ўқувчилар — судья, прокурор, адвокат, ўқувчилар — жабрланувчининг қариндошлари.Зиммасига прокурорлик юкланган ўқувчи изланади, китоб титади. Суд жараёнида ўзини қандай тутишга чоғланади. Саволлар тузади. Демак, мана шунга олиб келишнинг ўзи ҳуқуқий тарбия. Биз ўз тажрибамизда ана шуни синаб кўрдик. Адвокат ўқувчининг фикрларини эшитсангиз. Суд жараёнида қотилликнинг нақадар даҳшат эканлиги аён бўлди. Болалар жиноятнинг нима эканлигини англади, кўзи билан кўрди. Ютуқ мана шу. «Яхшиямки бу дарс жараёни, бундай кунни ҳеч биримизнинг бошимизга солмасин» дейди судья-ўқувчи.

Яна бир усул—саволлар бериш. Ўқувчиларга ўз фикрини ёзиб келишга имкон берилади. Мен баъзи жавобларни топиш учун ўқувчини китобдан изланишга мажбур қиламан. Сабабки, бола учун изланишдан бошқа чора йўқ. Мен уларни ана шунга ўргатганман.

Яна бир усул—ўнта савол тарқатаман. Жавобни ўн минутдан сўнг сурайман. Масалан, Конституциямизнинг XV бобини эслай оласизми? Унда нечта модда бор? Бу модда нима ҳақида? Дарс жараёнида ўқувчини ҳозиржавобликка ўргатаман. Шунинг баробарида қомусий билимларни сингдириб бораман. Бу билим аввал айтганимиздек, томчи-томчилаб сингдирилади. Ана ўшанда ўқувчининг ёдида сақланиб қолади. Ёшликда ўргатилган билим бир умр эсидан чиқмайди.

Яна бир фикр. 116-моддада «ҳар бир шахсга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади» деган жумла бор. Мен ўқувчимга ана шу фикрни етказиш баробарида унинг оиласи давлат ҳимоясида эканлигини эслатаман. Агар бирон воқеа юз берган тақдирда талвасага тушмасдан, хотиржамлик билан иш кўриш ва адвокат ёллаш зарурлигини ўқувчим билади, ота-онасига билдиради.

Такрор айтаманки, ҳуқуқий дарсларни ўқувчиларга етказиш биринчи галда ўқитувчининг маҳорати ва услубига боғлиқ. Дарсда бир оҳангда сўзлашдан эҳтиёт бўлиш зарур. Санъаткорона маҳорат билан сўзланса нур устига нур.

Қуруқ баён билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Яна икки кундан сўнг Конституция кунини байрам қиламиз. Ана шу улкан шодиёнани нишонлаш баробарида биз ўқитувчилар «ўқувчиларга нимани ўргатдим. Бу кунни қандай кутиб оляпман», деб саволлар беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Бу кун нафақат Қомусий байрам, бизнинг ўз-ўзимизга ҳисоб берадиган, қилган ишларимизни сарҳисоб қиладиган кун. Ўз-ўзимизга берган саволларимизга топган жавоблардан қониқмагунимизча, бизга ҳаловат йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу бизнинг фуқаролик бурчимиз ва она Ватан олдидаги юксак масъулиятимиздир.

Омина КАРИМОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти «Давлат ва ҳуқуқ» кафедраси мудираси.

Ko'ngil bitiklari

ҲУР УАТАНЫМ, ОЗБЕКСТАНЫМ

Гэрезсизлик бахыт туқымын,
Келешекке себерсен Уатан,
Тэрийпинди созлесем бугун,
Гулдей нэзик, бийикдур таудан,
Ҳур Уатаным, Озбекистаным.

Тэриплеуге тилимиз жетпес,
Жырламауга кеуил кеншимес,
Ҳауазина ким қулақ турмес,
Ҳур Уатаным, Озбекстаным,
Дур Уатаным, Озбекистаным.

Озбекстан меним алтын бесигим,
Тербет! Жэхэнди де қосылай бирга,
Данқ тараткан еллер ашып есигин,
Путкил элем хэуес етсин озине.
Ҳур Уатаным, Озбекистаным.

ПЭК ЭРМАН

Егер жете алсам алган бағытка,
Тотепки берейин тэшуишлерге мен,
Тек Сен сырттан айтып мени қағытпа,
Жақсы нийет пенен жасап келемен,

Жақсы нийет ҳэм де пэк арзыу — эрман,
Эзелден инсанным жолдасы болган,
Эзэзуллер менен жэхиллер гана,
Аулак журер екен бул уллы жолдан.

Эрманларым қушағинды кеннен аш,
Басла! Уйрет мени конликпелерге,
Менин кокирегимнен нур шашкан қуяш,
Токсин оз сэулесин бул Ана жерге.

Кунсулыу НАСЫРОВА,
Мойнақ шахрындаги Д. Насыров атындагы орта мектеп.

Қувноқ болалик

Xullas...

«БАХТЛИ» ҚАРСАКБОЗ

Рости, машҳур қўшиқчи Майкл Жексоннинг концертларида ҳам бунчалик учига чиққан қарсакбозни учратиш мушкул. Камина эшитган қарсакбоз эса яна уша «севги»си ҳар доим нақд турадиган ҳиндларда экан. Жараям деган йигитчанинг роса 67 соат давомида одамларни ўзига қараттани «Рекордлар китоби»га янги саҳифалар қўшди. Ушанда қўллари шишиб, кафтларидан қон оқа бошлаган Жараямни шифокорлар зўрга тўхтатишди. Аслини олганда бу ҳеч қандай юқори натижа эмас. Кечаги коммунистларнинг қарсакларини Гиннес ўз китобига қоралашга улгурганида Жараямнинг қарсаклари денгиздан томчи буларди, холос.

«ЧАҚҚОН» ЭРНИНГ ХАТОСИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида яшовчи Фу исмли йигит «қош қўяман деб, кўз чиқариб» қўйди. Фу байрам кунлари «хотинимни би-ир хурсанд қилайин» деган ниятда эрталаб туриб аввал ҳовлини, сўнгра уйни тартибга солади. Уйдаги кераксиз нарсаларнинг ҳаммасини ахлатхонага ташлайди. Шу пайт уйқудан уйғонган хоним уйдаги синиқ курсининг йўқолиб қолганини кўриб ҳушини йўқотади. Маълум бўлишича, уйдаги уша синиқ курсининг тагида 70 минг юан, иккита тилла узук ва битта тилла зиракни уйқучи хоним «чаққон» эридан бекитиб қўйган экан.

ШИДДАТЛИ УСТАРА

Буюк Британиянинг Хернибой шаҳрида яшовчи сартарош Дени Роув 1988 йилнинг 19 июнь кунида «тезлик» бобида галати бир рекорд ўрнатди. У атиги 60 дақиқа ичида хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 1994 мижоз соқолини қиртишлашга улгурди. Ўриндиқда юрагини ҳовучлаган мижоз, унинг ранг-қути ўчган юзи... ва унда шиддат билан ҳаракатланаётган ўткир устара... Одамни сескантирадиган манзара!

Мижозлар табиийки, ўриндиққа ўтириб-туришга ҳам беҳад шошиб қолишган. Беҳад катта «тезлик»да устара юргизаётган сартарош Дени эса шошганидан бор-йўғи тўрттагина «овсар мижоз»ининг юзини сал-пал безаган, холос.

ana shunaqa gaplar

Sport

ҚИЗ БОЛАНИНГ ТЕМИР МУШАГИ

Филиппинда дзюдо кураши бўйича Осиё биринчилиги ниҳоясига етди. қизлар иштирокидаги мусобақада ўзбекистонлик Марина Михеева ўзининг «темир» мушаги билан бронза медалига сазовор бўлди. Яна бир юртдошимиз Фарҳод Тўраев эса эркаклар баҳсида олтин медални қўлга киритди.

ЮМАЛОҚ ШАР АТРОФИДА

Бу гал Марказий Осиёнинг энг кучли стол теннисчилари Фарғона шаҳрида тўпландилар. Тошкентлик Алишер Комилов учрашувларнинг барчасини ютуқ билан тугаллаб, биринчи ўринни эгаллади. Афсуски қизларимизнинг омади келмади. Улар барча совринли ўринлардан маҳрум бўлди. Улар тўртинчи ва олтинчи ўрин билан кифояланишди.

ОВРЎПОНИНГ ОЛТИН БУТСИСИ БРАЗИЛИЯДА

Италиянинг «Интер» футбол командасининг ҳужумчиси бразилиялик Роналдо Овруўпонинг энг кучли ҳужум қиролига бериладиган Олтин бутси совринини қўлга киритди.

Роналдо бу муваффақиятга Испаниянинг «Барселоно» командаси сафида бир йил давомида майдонга тушиб, рақиб дарвозасига киритган тўпи учун эришди.

ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Шу йилнинг 12—14 декабрь кунлари пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида волейбол бўйича тарихимизда биринчи марта жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари ўтказилади. Терма командамиз Австралия ва Тайванд терма командаларига қарши майдонга тушади. Ушбу учрашувларда ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

ҚИЗЛАР БАҲСИ

Зангиота туманида қизлар ўртасида Бутунжаҳон ногиронлар куни муносабати билан шахмат-шашка бўйича Республика турнири бўлиб ўтди. Шахматчилар баҳсида бухоролик Самъиа Тўхтаева ғолиб бўлган бўлса, шашкачилар ўртасида эса самарқандлик Саломат Қамаровага тенг рақиб топилмади.

maydonchasi

ШАХМАТЧИЛАР ОИЛАСИ

Ўзбекистон Президенти Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан республикамизнинг бир қатор спорт мутасаддилари ва спортчилари олий мукофотлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвони билан тақдирланганлар сафида ҳамшаҳримиз, вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Шаҳоб Ҳамроқулов ҳам борлиги барча самарқандликларни қувонтирди.

Яқинда Самарқанд шаҳри Сиёб туманидаги «Юсуф-Харрат» (Дурадгор) маҳалласида Шаҳоб Ҳамроқулов ва унинг оила аъзоларини мана шу унвон билан маҳалладошлари, ҳамкасблари номидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, вилоят шахмат федерацияси раиси Анвар Бекмуродов табриклаб, эсдалик совғалар топширди.

III. Ҳамроқуловнинг тўнғич фарзанди Иброҳим мана бир неча йиллардан буён нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, мустақил Ўзбекистонимиз байроғини шараф билан ҳимоя қилмоқда. Иброҳим 1996 йили Испанияда бўлиб ўтган ёшлар жаҳон биринчилигида фахрли олтинчи ўринни қўлга киритиб, «Халқаро спорт устаси» унвони даражасига кўтарилган бўлса, 1997 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ереванда ўтказилган навбатдаги ёшларнинг (16 ёшгача) жаҳон биринчилигида обрўли тўртинчи ўринга кўтарилди ва шу билан бир қаторда жаҳон ёш шахматчиларининг кучли сафида эканлигини яна бир бор исбот этди.

Куни кеча Тошкентда ёшлар орасида анъанавий халқаро шахмат мусобақаси ниҳоясига етди. Ана шу нуфузли анжуманда Самарқанд вилояти ёш шахматчилари жамоаси Тошкент жамоасидан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Жамоанинг 60 фоизини Ҳамроқуловлар сулоласи ташкил этди.

Иброҳим эса етмишдан ортиқ кучли шахматчилар шахсий баҳсида биринчи натижани кўрсатиб, ўз маҳоратининг нақадар юқори эканлигини тасдиқлаб берди. Шу кунларда Иброҳимнинг сингиллари — Ирода, Шаҳноза ва укаси Жўрабеклар Европанинг гўзал мамлакатларидан бири — Франциянинг Канн шаҳрида декабрь ойида бўлиб ўтадиган кичик ёшдаги шахматчилар орасида жаҳон биринчилигига қизғин тайёргарлик кўришаяпти.

Маҳалла оқсоқоли Қодир ака Раҳимов билан суҳбатлашганимизда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Маҳалла аҳли бу оилани шахматчилар оиласи деб аташади. Бу бежиз эмас, чунки фарзандлар Иброҳим, Жўрабек, Шаҳноза ва Иродалар шахмат мусобақаларида вилоятимиз ва республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш билан бир қаторда маҳалла ёшларини шахматга жалб қилиб келмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози.

ШИША КЎЗ

(Қиссадан парча)

... Ичкарига кирганда Сафонинг кўзлари тиниб кетди. Милиция формасидаги Фармоновнинг бир ёнида Хуррам, бир ёнида Полвон. Унга стул кўрсатишганда ўзини хиёл босиб, нафасини ростлаб олди. Район балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия раиси — ёши олтмишларда, чиройли, икки юзи қип-қизил Азиза кеча учрашган киши булиб, яна мактаб директори Салим ака (у ёшлар билан ишлаш комиссияси аъзоси эди), Довқораев яна бошқа кишиларни учратди. «Шундоқ отангни уялтирдинг-а», — ғижинди Сафо. «Хуррам сизнинг ўғлингизми?» — ёнгинасидаги аёл татар шевасида шивирлаб, бош чайқаб қўйди. Фармонов орқада бир бурчакда ерга қараб ўтирарди.

Комиссия раиси (мажлисни у олиб борарди) ўрнидан турди:

— Жамоа тарбияси ҳақида кўп гапирамиз, меҳнат интизоми, тартиб-қоидани бузган ходимни жазолаймиз, ор-номус, виждон, ахлоқ ҳақида кўп гапирамиз. Амалда нима қиляпмиз, хўш?

Сафонинг дами ичига тушиб кетди.

— Ўғлингизнинг шу қўйга тушишига сабаб нима ўзи? — комиссия раиси Сафога юзланди.

— Мен, аввало, Довқораев ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман, — деди Сафо, — Дастлаб яхши тавсифномалар ёздириб, Полвонни жазодан олиб қолмаганида бунчалик бўлмас эди эҳтимол. Полвон қараса, айбини кечиришди. Кўп ўтмай яна такрорлади. Бу сафар ўғлимни ўз гирдобига тортди.

— Ёлғон, туҳмат! — ўрнидан турган ҳолда бақириб юборди Довқораев. — Иккаласи баббарабар жавоб берсин. Ҳақиқат борми ўзи?

— Ҳали шу чоққача ўсмирлар тарбияси билан шуғулланиб виждонга қарши иш қилмаганман, — деди раис унга тик боқиб.

— Ҳа, ҳақиқат бор. Мана у! — Фармоновдан калтакланган йигитнинг шифохонада ёзган хатини ва Полвоннинг уз қули билан ёзиб берган тушунтириш хатини олиб уқиб берди. Уларда йигитни Полвоннинг қандай калтаклагани, не кўз билан қўрсинки, уз қули билан ёзилган эди. У ерда бошқа гаплар ҳам бор, Фармонов унинг «ичидаги сирлар»ни тортиб олган эди.

Полвоннинг бу қилиғи-балоғат ёшига етай деб қолган ўсмирларнинг аҳмоқона қилиғи эди.

... Мактаб уқувчилари бир ҳафта шаҳар атрофидаги хўжаликка ҳашарга — мева теришга чиқишди. Кунлар жуда исиб кетди. Қизиган тошларга тегиб бўлмасди. Қўл ё оёқни «жиз» этиб қуйдирарди. Азиза сой бўйидаги йўлга бурилди. Тушда дугоналари қий-чув қилиб шўх ўйинга тушишган шийпонга етиб келди. Тўрт томони очиқ дала шийпони икки метрча баландликда жойлашган. Сой яққол кўриниб турар, узоқда қишлоқ подаси сой ёқалаб ўтлаб келарди. Сойнинг бу бетида ҳеч кимса йўқ. Фақат турнақатор тераклар ортидан тушовлоғлик бир от чиқиб келди, у иссиқдан эринибгина ўтга бўй чўзди.

Азиза сукутга толди. Куннинг дамидан жиққа ҳўл қўйлагини сиқиб олмоқчи бўлди. Пастга, сув бўйига югурди. Ҳар куни дугоналари билан сойнинг бу овлоқ жойига келиб чўмиларди. Шундоқ қўйлак билан ташлашар, кейин кулиша-кулиша сиқиб, кийиб олишарди. Тепаликка чиқунча яна қўйлаларининг нами қочарди.

— А-а-а! — деб чинқириб юборди.

— Қўрқманг, дўндиқча! — Полвонга жон кириб, қўлларини ўйнатди.

— Кетинг, ҳозир! Одамлар кўрса нима дейди? — Азиза томоғигача сувга ботиб саросимада турарди.

— Одамлар кўрса нима дерди? Қандини урсин дейишади-да, — у бездай турар, мижжа қоқмасди.

— Уятсиз! Нималар деяётганингни биласанми? — Азизанинг кўзлари ўтдек чақнаб кетди.

— Биламан! Аммо оғзидагини олдирадиган йигитларданмасман!

— Йигит бўлсанг, кет!

— Ҳа, ёқмай ўлсин! Оқиб кетсанг нима булади? — у ёқ-буёққа қаради.

— Шарманда! Йўқол! — қўлларини сувга уриб таҳдид қилди Азиза.

— Оҳ-нолангни эшитиб ўтираманми? — Полвон сувга сапчиди. Бир неча дақиқа ўтди... Сочлари юзига ёйилган Азиза:

— Қўйвор! Ойижо-он! — деб чимчилар, урарди, у жонидан ўтганидан, Азизанинг бошини сувга босди. Азиза сув ютиниб ўзини қирғоққа урди. Полвон кимнингдир дукурини эшитиб, чўчиб қаради. Султон! Уша, ўзи калтаклаган бола эди. Унинг кўзлари аёвсиз ёнарди! Султон қўлидаги таёқни ташлаб, қизни қутқаришга отилди.

Қирғоқда Полвоннинг қораси ҳам кўринмас, қиз эса юраги қотиб қолгандай, вужуди зирқирарди. Докадай оқариб, зўрга-зўрга нафас олар, сочларидан сирқиган сув бўйнига аста оқиб тушарди. Султон уни беозорлигина майсазорга ётқизиб қўйди. Ўнг юзини кўм-кўк майса устига босган, Султон унинг қўлларидан ушлаб тез-тез қўтариб тушира бошлади. Қиярроққа, бошини қуйига ётқизганигами, оғзидан дарҳол сув келди. Ниҳоят қўлларини қимирлатди.

Султон қизнинг елкасидан оҳиста ушлаб чап қўлига суяб ўтказди.

— Азиза, Азиза! — Овозни эшитардию худди тушида содир бўлаётгандай эди. Лаблари қимирлади. Қизнинг бегубор чеҳрасига эгилиб қаради. Даст ўрнидан турдию уни осойишта суяб бекатга жунади...

Азиза оқила қиз эмасми, ушанда Полвондан ўч олмаган, қизлик ор-номуси, ҳамияти бунга йўл қўймаган эди. Аммо Султон бир кун келиб Полвоннинг ўч олишини сезар эди...

... Мажлис давом этарди.

— Шундай бир қадимий ривоят бор, — деди комиссия раиси. — Бир шаҳар ҳокими касалхона қуриш ҳақида фармон берибди. Шунда муйсафид табибга маслаҳат солганда у: «Шаҳарнинг тўртта жойига гўшт илиб қўйинглар, у қаерда сасиса уша ерда касалхона қурингглар», дебди.

«Нега», деб ҳайрон бўлиб сурашибди. «Ана шу ер аҳолиси озода турмайди, демак беморлар ҳам уша ерда кўп бўлади», деб жавоб берган экан. Шу сингари безорилик, жиноятчилик дейсизми, аввало тарбиявий ишга юзаки қаралган жойда пайдо бўлади. У маълум шарт-шароит таъсирида туғилади. Шунинг учун номаъқулчилик қилган каттами-кичикми, қаерда ўқиётгани ёки ишлаётгани биз учун катта аҳамиятга эга. Унинг илгариям тартибни бузганми ё йўқлигиям қизиқтиради. Шунинг учун биз бугун фақат интизомни, ҳуқуқ-тартиботни бузган кишиларни ёки ўсмирларни эмас, жамоатчилик вакиллари, мактаб ва корхона раҳбарларини ҳам таклиф этганмиз...

Мажлис анчагача чўзилди.

— Агар заргар олтин буюмни бузиб қўйса, уни қайта қуйиши мумкин... Аммо, ўсмирлар билан... Эвоҳ, худонинг ўзи асрасин! — Раис ҳақ гапни айтаётганини Сафо тушунар, аммо қалбининг туб-тубини нимадир ларзага солмоқдайди.

Ниҳоят, узоқ кутилган «ҳукм» ўқилди. Довқораевнинг ўғлини илгари ҳам бир неча бор безорилик қилгани, милицияга тушгани учун вилоят туманларидан биридаги (ёпиқ) билим юртига ёзишди (ҳукм ўқилганда Довқораев чидолмай, хонадан отилиб чиқиб кетди).

Хуррамни илгари милицияга тушмагани, такрорламасликка ваъда бергани, мактаб педагогик жамоасининг (биринчи галда Шоҳиданинг) ижобий тавсифномаси, қолаверса Фармоновнинг тергов хулосасига кўра мактабда қолдириш таклифини маъқуллади.

Ҳамид ИКРОМОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

ВОЙ, ХОТИРАМЕЙ!..

(интермедия)

ШУХМИРЗА — Вой, хотирамей!.. Қаерга келиб қолдим, кинотеатрми бу ер?

1-БОЛА — Йўқ, қаёққа бормоқчи эдингиз?

ШУХМИРЗА — Менми, қаёққа боришимни ҳам эсдан чиқариб қўйдим. Ойимлар «дарров бориб кел» дегандилар.

Қаёққа боришим керак, билолмаяпман. Балки сизлар биларсизлар?

БОЛАЛАР — Қаёққа боришингизни биз ҳам билмаймиз. Исмингиз нима? Қаердансиз?

ШУХМИРЗА — Исмим нақа, ўзим нақаликман. Бу ер нақами?

2-БОЛА — Хотира сал нақароқ бўлиб қопти-да, эссиз...

Нега шундай бўлиб қолгансиз?

ШУХМИРЗА — Униси ҳам эсда йўқ.

2-БОЛА — Шошманг, ҳозир Сизга бир дори бераман, ҳозиргина дорихонадан олиб, уйга — бобомга олиб кетаётган эдим. Хотирани яхшилайди.

ШУХМИРЗА — (дорини ичади, афти бужмаяди) Сал тахирроқ эканми? Ие, мен бу ерда нега ўтирибман? Амакимникига бориб келишим керак эди.

2-БОЛА — Уйларини биласизми?

ШУХМИРЗА — Нега билмас эканман?

1-БОЛА — Ҳозир хотирангиздан шикоят қилаётгандингиз.

ШУХМИРЗА — Дори таъсир қилди, ҳушёр тортдим. Хотирам чатоқ бўлиб қолганига ўзим сабабчи бўлдим. Яширинча папирос чека бошловдим. Кейинги кунларда хотирам сусайиб қолди. Билмадим, папиросдан бўлдими ёки телевизорни кўп кўрганимданми?..

1-БОЛА — Иккиси ҳам бунга сабабчи бўлган.

ШУХМИРЗА — Кеча денг уйимизга бир бола келди. «Кимсан?» десам «Сизга нима бўлди, мен Собирман-ку!» дейди. Холамнинг ўғлини танимай ўтирибман-а. Бугун эрталаб дуконга нонга чиқаришса туз олиб келибман. Вой, хотирамай!.. Яна хотирам чатоқлашиб боряпти.

2-БОЛА — Сизни, яхшиси, руҳшунос шифокор кўрсин. Ҳозир уйингизга боринг, қаерда турасиз?

ШУХМИРЗА — Нақада тураман.

2-БОЛА — Нақа қаерда?

ШУХМИРЗА — Нақанинг ёнида.

1-БОЛА — (кўрсаткич бармоғини калласига тираб) Нақаям нақароқ бўлганга ўхшайди. (Шухмирзага) Яхшиси Сиз шу ерда тура турингг, биз нақани чақириб келамиз... Ҳой, шошманг, қаёққа кетяпсиз?

ШУХМИРЗА — Нақага, уларнинг келишини кутмай ўзим борақолай. Хайр, нақажонлар!..

Олим МАҲКАМ.

АДИБ АДАБИ

Абдулла Қаҳҳор ҳикматларидан

Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади.

***

Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.

***

Одамлар интиладиган чўққи тоғ чўққиси сингари, булутлар орасида эмас, ерда бўлади.

***

Танингда филнинг кучи, чумолининг ғайрати бўлсин.

***

Яхши тарбия кўрган одамнинг хислатларидан бири шуки, бундай одам ўз фаолиятида бошқалардан бир қанча олдинга ўтса, дарров орқага қарайди, шерикларига ёрдам қўлини узатади, сафини кенгайтириб, янги ғалабани кўзлайди.

***

Тўкилгандан томчилаган ёмон, тўкилганни киши дарров пайқайди, томчилаганни узоқ пайқамаслик мумкин.

Эс-ҳуши жойида ҳар бир одам кўриб-билиб турган ҳақиқатни мен айтмасам, сиз айтмасангиз, бошқа биров айтмаса, ким айтади?

***

Пул ўлгурнинг тиши бўлса, ўзини еб кўяр эди. Тиши бўлмагани учун баъзи бировларнинг ақлини ялаб, виждонини сўриб юрибди.

***

Одам ҳаётда из қолдириб, олтмишга кирса, ёшликдаги қайфият, ғайрат тураверар экан.

***

Одамзод ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

Тўпловчи Гулнора МУҲАММАДИЁРОВА.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати ҳамда жамоат ташкилотлари институтнинг собиқ доценти, тарих фанлари номзоди, жамоат арбоби, нафақахўр

Раҳим ЁҚУБОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва филология факультети жамоаси «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасининг доценти С. АҲМЕДОВга акаси

Очил АҲМЕДОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6